

高等教育部和乌兹别克斯坦共和国次生专业教育
**MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIALIZED
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

中华人民共和国·中国驻乌兹别克斯坦
**EMBASSY OF THE PEOPLE'S REPUBLIC OF CHINA
IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

经济塔什干州立大学
TASHKENT STATE UNIVERSITY OF ECONOMICS

经济合作乌兹别克斯坦共和国及发展前景中华人民共和国
**DEVELOPMENT PROSPECTS OF ECONOMIC
COOPERATION BETWEEN REPUBLIC OF UZBEKISTAN
AND PEOPLE'S REPUBLIC OF CHINA**

国际科技实践会议
INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE

第一部分
FIRST PART

**TASHKENT 2016,
APRIL 22**

АРИПОВ А.К., ДЖУМАЕВ А.К.	УПРАВЛЕНИЕ РАЗВИТИЕМ СОВРЕМЕННОЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОЙ СФЕРЫ	276
ХАКИМОВ Э.А., НОСИРОВА Н.Ж.	ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ЛОГИСТИК ПЛАТФОРМАСИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	280
МИНГИШОВ Л.Ў.	ИННОВАЦИЯЛАР АСОСИДА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ХИТОЙ ТАЖРИБАСИ	285
АБДУЛЛАЕВ М.Қ.	ЎЗБЕКИСТОН, ХИТОЙ ВА РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИНГ ЎРНИ	290
ДУСКОБИЛОВ У.Ш., БЕКМУРОВОВА Г.А.	ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ: ОҚИЛОНА ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ЙЎЛИНИ ТАНЛАГАН ИККИ БУЮК ДАВЛАТ	295
ЕГАМБЕРДИЕВ Ш.С.	ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ	300
DANABOYEV I.T.	CREATING EXPORT CONSORTIUM FOR DEVELOPMENT OF INTERNATIONAL TRADE RELATIONS BETWEEN UZBEKISTAN AND CHINA	305
ДЖУРАЕВА С.Қ.	ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ҚИЛИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ	310
РУСТАМОВА М.М.	РЕФОРМА И ПОЛИТИКА ОТКРЫТОСТИ – ПУТЬ К НАЦИОНАЛЬНОМУ ВОЗРОЖДЕНИЮ КИТАЯ	315

М.Қ. АБДУЛЛАЕВ,
ТДИУ катта илмий ходим-изланувчиси

ЎЗБЕКИСТОН, ХИТОЙ ВА РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИНГ ЎРНИ

В данной статье освещены роль и место электронной коммерции в экономике Узбекистана, Китая и развитых стран и предложены пути использования электронной коммерции.

This article highlights the role and place of e-commerce in the economy of Uzbekistan, China and developed countries and ways of using e-commerce.

Калит сўзлар: Ахборот-коммуникация технологиялари, Электрон тижорат, ахборот тизимлари, интерактив хизматлар, бошқарув тизими.

Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш ҳамда «ахборотлашган жамият» сари олға интилиш мақсадида амалий чоралар кўрилмоқда. Аммо, бу борада қилинган ишлардан келгусида қилиниши керак бўлган ишлар кўлами ниҳоятда кенгдир. Жаҳонда ахборот-коммуникация соҳаси ривожини жуда тезлик билан рўй бераётганлиги сабабли бу борадаги ҳар қандай сусткашлик мамлакат тараққиётига салбий таъсир этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов 2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида "... бугунги кунда жаҳон миқёсида яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг тахминан 5,5 фоизи ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига тўғри келмоқда. Нуфузли халқаро экспертларнинг фикрига кўра, 2020 йилда бу кўрсаткич 9 фоиздан ошади. Сўнгги йилларда иқтисодиётимизнинг мазкур тармоғи жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганига қарамасдан, ҳозирги вақтда биз бу борада дастлабки босқичда турганимизни тан олишимиз даркор. Яъни, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг атиги 2 фоизга яқини ахборот-коммуникация технологиялари ҳиссасига тўғри келмоқда"[1] деб таъкидлаб ўтган эдилар.

Ушбу белгиланган вазифалардан асосий мақсад давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шу жумладан компания фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация тизимлари, яъни электрон тижоратдан фойдаланган ҳолда, компаниянинг ривожланиши ва жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлиши учун компания томонидан кўрсатилаётган интерактив давлат хизматларини яхшилаш, ишлаб чиқараётган маҳсулот рақобатдошлигини таъминлаш, иш унумдорлигини ошириш, бошқарув апарати ва ходимлари ўртасидаги ахборот алмашинувини самарали ташкил этиш ва ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш ҳисобланади.

Ҳозирги кунда иқтисодчи олимлар электрон тижоратни иқтисодиётни ривожлантирувчи самарали механизм сифатида баҳолашмоқда. Бу фикрлар асосланган бўлиб, ҳозирги замон инсоният жамиятида шиддат билан ривожланиб келаётган электрон технология ва коммуникация тизимлари барча соҳаларда ўз аксини топиб келмоқда ва бу харидор ва сотувчи ўртасида юзага келадиган муносабатлардан ҳам ўз аксини топмоқда.



Ўзбекистон иқтисодиётида электрон тижоратни ривожлантиришнинг долзарблиги унинг анъанавий тижорат ва савдо жараёнларидан бир қатор қулай ва устун томонлари мавжудлиги ва унинг иқтисодиётда юқори самарадорлиги, яъни, харидор хоҳлаган жойдан маҳсулот тўғрисида кенг доирада ахборот олиши, танлаш имконининг юқорилиги ва қисқа вақт ичида харид этиш имконининг мавжудлиги, рақобат муҳитида электрон тижорат компания маҳсулотларини самарали сотилишини таъминлаши ва янги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга тезроқ харидорларни топишга ёрдам бериши, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишига ижобий таъсир этиши, шунингдек ахборот технологиялари асри даврида электрон тижорат муҳити компания учун ахборот билан таъминловчи самарали канал функциясини ҳам бажаришга шарт-шароитлар яратиб бериши билан изоҳланади.

Бундан ташқари электрон тижоарт орқали мамлакатимизда 100 дан зиёд савдо майдончалари ва 700 дан ортиқ брокерлик идоралари мижозларга биржа хизматларини кўрсатмоқда. Электрон савдолар Интернет орқали реал вақт режимида олиб борилиб, 20 мингдан ортиқ бюджет ташкилотлари давлат харидлари бўйича, 2 мингдан зиёд табиий монополиялар субъектлари фаолият юритмоқда.

Бугун, дунё банк пластик карточкалари орқали нақдсиз электрон тўловлар замонавий пул айланмасининг ажралмас қисми ҳисобланади. Пул айланмасида пластик карточкалардан фойдаланиш нақд пулга бўлган талабни камайтиради, улар айланишини тезлаштиради, шунингдек пул массаси назорат қилинишини соддалаштиради. Бугун республика аҳолиси электрон тўлов ва тижорат тизимининг афзалликлари ҳақида етарлича тасаввурга эга. Унинг ёрдамида хўжалик компаниялар ўртасидаги тўлов операциялари тезкор бажарилади, буюртмачи ва маҳсулот етказиб берувчилар ўртасидаги ҳамкорлик сифатли амалга оширилади. Қолаверса, компаниялар замонавий ахборот технологиялари хизматларига эга бўлиб, сайёрамизнинг исталган давлатидан ўзларига ҳамкорлар топиши, маҳсулот ва хизматларини жаҳон бозорига олиб чиқишлари учун янги уфқлар очилади.

Электрон тижорат ҳам анъанавий иқтисод каби бошқарилиши зарур бўлган соҳадир. Фақат бу бозор муносабатларига чекланган миқдорда аралаштириш йўли билан анъанавий тижоратда давлат бошқарувчилиқ вазифасини бажаради. Электрон тижоратни ташкил қилишнинг хорижий тажрибасини ўрганиш натижасида кўриш мумкинки, сотувчи ва сотиб олувчи бирдек юқори самарага эга бўлади. Масалан, электрон тижоратни қўллаш орқали компания жаҳон бозорига чиқиш учун яхши имконият юзага келади. Кичик компания катта компания каби жаҳон бозорида бизнес юритиши учун бир хил имкониятга эга бўлади. Компаниянинг рақобатбардошлигини ошириш учун яхши шарт шароитлар яратилади.

Компания электрон тижорат тизимида талабни кенг доирада ўрганишга ва харидорга яқинроқ бўлишга ҳаракат қилади. Ушбу тизимда савдодан олдин ва ундан кейинги хизматларини яхши шакллантириш орқали мижозларнинг эътирозлари оператив равишда эътиборга олиниши мумкин. Бундан ташқари компания ҳар бир мижознинг талабини ўрганган ҳолда ҳамда индивидуал ёндошув асосида савдо жараёнларини ташкил қилиши ва уларни талабига тез жавоб бера олиш ҳамда электрон тарзда келишувларни ташкил этиш натижасида маҳсулотни таннархини камайтириш имконига эга бўлади.

Ривожланган давлатларда электрон тижоратни тартибга солиш, уни қўллаб-қувватлаш ва бошқаришда асосий муаммолар, ривожланаётган давлатлардагидан анча фарқ қилади. Масалан, ривожланган давлатларда электрон тижоратни қўллаб-қувватлаш, уни янада самарадорлигини ошириш мақсадида бошқаришга мойиллик анча кучли. Сабаби ривожланган давлатларда умуман олиб қарайдиган бўлсак, бизнесда самарадорликни ошириш энг асосий муаммо ҳисобланади. Шунинг учун ривожланган давлатлар электрон тижоратни қўллаб-қувватлашдан анча манфаатдор. Агар давлатнинг иқтисодий ўсиш стратегияси экспортга йўналтирилган иқтисодий ривожланиш ва савдони эркинлаштириш

бўлса, унда ҳукумат электрон тижоратни ривожлантиришдан манфаатдор. Мисол учун, Хитой ҳукумати электрон тижоратни ривожлантиришдан анча манфаатдор. Чунки Хитой ҳукуматининг ривожланиш стратегияси айнан савдони эркинлаштириш ва экспортни рағбатлантиришдан иборатдир. Охириги йилларда Хитой ҳукуматининг умумий АКТ инфраструктурага сарф қилаётган харажатларидан кўриш мумкин. Ҳар йили АКТга қилинадиган инвестиция Хитой ЯИМнинг 5,5 %ини ташкил қилади[2].

Жаҳонниг мустақил “e-Marketer” аналитик агентлигининг таҳлилига кўра, Ю 2014 йилда бутун дунёда истеъмол товар айланмаси \$22,49 трлн. Ташкил этган, ундан \$1,3 триллиони интернет савдога тўғри келмоқда, яъни умумий истеъмол товар айланмасини 5,9 фоизини ташкил қилган ва унинг лидерлари бўлиб Хитой ва АҚШ давлатлари кўрсатилган. 2014 йилда жаҳоннинг умумий электрон савдосидаги ушбу давлатларнинг улуши 55 фоизни ташкил этганлиги эътироф этилмоқда[3].

Ривожланган давлатларда электрон тижоратни бизнес юритишнинг асосий ажралмас бўлаги сифатида қарашса, ривожланаётган давлатларда уни бизнес юритишнинг муқобил усули деб қарашади. Сабаби, ривожланаётган давлатларда кичик бизнес вакиллари асосан анъанавий усулда фаолиятларини олиб боришади. Кейинги пайтларда ривожланаётган давлатларда интернетни ва АКТни тез информацион маълумот алмашиш воситаси сифатида қарашмоқда. Лекин интернетдаги маълумот алмашиш асосан глобал характерга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда, у ердаги маълумотлар улар учун кераксиз тўюлмоқда. Ривожланаётган давлатларда интернет сайтлари маҳаллий бизнес вакиллари учун керакли ахборотни бераолмаслиги электрон тижоратни оқсашига олиб келмоқда. Умуман олиб қараганда электрон тижорат ривожланган давлатлардаги каби ривожланаётган давлатлар иқтисодиётида сингиб кетмаган. Электрон тижорат ривожланаётган давлатлардаги компаниялар учун анча фойдалидир.

Кўпчилик олимларнинг фикрича, электрон тижоратдан ривожланаётган давлатлар ривожланган давлатлардан кўра кўпроқ ютади. Чунки ривожланаётган давлатлар ривожланаган давлатлар каби ривожланиш босқичини босиб ўтишмади. Яна ривожланаётган давлатлар ривожланган давлатлардек бу соҳага инвестиция қилмаганлар. Ҳозирда ривожланаётган давлатлар энг арзон инфраструктура орқали жаҳон бозорига кириш имкониятига эга бўлдилар. Лекин бу фикр ҳам нисбий. Чунки электрон тижоратдан қайси тараф кўп наф олиши бу электрон тижоратнинг ҳаётга кўп татбиқ қилинишига боғлиқ. Мисол учун бутун дунё электрон бозорларнинг ярмидан кўпи АҚШ да жойлашган.

Ҳозирда электрон тижоратни ҳаётга энг кўп татбиқ қилган ҳам, ундан энг кўп наф олаётган ҳам шу мамлакатдир. Иккинчи тарафдан Африканинг бир қашшоқ давлатини оладиган бўлсак, у ерда ривожланган АКТ инфраструктураси бўлса ҳам, электрон тижоратдан манфаат кам. Чунки электрон тижоратни ҳаётга татбиқ қилиш даражаси анча паст. Электрон тижоратнинг ривожланаётган давлатлар учун фойдаси, интернет орқали товар ва хизматларнинг талаб ва таклиф даражасига боғлиқ. Шунингдек, улар электрон тижоратни ўз экспортларини оширишга йўналтирсаларгина, электрон тижорат имкониятларидан етарлича фойдаланган ҳисобланадилар.

Давлат назари билан қарайдиган бўлсак, ривожланаётган давлатлар электрон тижоратни экспорт-импорт муносабатларидан кенгайиб кетишидан унча манфаатдор эмаслар. Биламизки, ривожланаётган давлатларнинг бюджет тушумларининг асосий қисми божхона тарифларидан келиб тушади. Электрон шаклда харид қилинган маҳсулот табиийки, чегарани кесиб ўтмайди балки рақамли кўринишда етказиб берилади. Мисол учун, анъанавий савдода четдан кириб келадиган мусиқа ёзилган компакт-дискларга тариф солинади. Агар шу дискни ичидаги мусиқа, сайт орқали сотилиб, рақамли кўринишда юклаб олинса, давлат бюджети шу компакт-дискга қўйиладиган тариф миқдорича тушумдан



маҳрум бўлади. Шунинг учун ривожланаётган давлатларда электрон тижорат имкониятларидан экспортни оширишда фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Яна шуни таъкидлаш керакки, ривожланган давлатларда электрон тижоратни бошқариш инструментлари тўла-тўқис ишлаб чиқилмаган.

Ривожланган давлатларда электрон тижоратни бошқаришда энг асосий инструмент электрон ҳукумат ҳисобланади. Электрон ҳукумат он-лайн режимда ҳукуматнинг вакили ҳисобланади. Кейинчалик электрон ҳукуматни он-лайн режимда институтционал бошқарув органига айланади. Ҳозирча эса бунга қандай эришиш йўллари қидирилмоқда. Ривожланаётган давлатларда электрон тижоратни бошқаришдан кўра, ҳозир уни шакллантиришга қаратилган сиёсат муҳимроқ. Яъни ривожланаётган давлатларда бу соҳани бошқаришда муаммолар ривожланаётган давлатларникидан фарқ қилади. Ҳозирги пайтда ривожланаётган давлатларда электрон тижоратни ривожлантиришда давлатнинг роли қандай бўлиши асосий долзарб муаммо бўлиб турибди. Бу давлатларда электрон тижоратнинг ривожланишига асосан ҳусусий секторнинг ўрни юқори бўлиш билан бир қаторда, давлатнинг роли инструментал бошқаришдан иборат бўлиши керак. Ривожланаётган давлатлар қуйидаги икки асосий вазифани бажариши керак:

электрон тижоратнинг ривожланишига қулай муҳит яратиш сиёсатини олиб бориш керак;

давлат электрон тижоратни олиб боришда, уни ўз фаолиятида кенг қўллашда, аҳолига электрон ҳукумат орқали хизмат кўрсатишда энг етакчи ўринда туриши керак;

Электрон тижоратнинг ривожланишига қулай муҳит яратиш сиёсати қуйидаги чоратadbирларни ўз ичига олади:

➤ ахборот тармоқларидан қулай, осон ва арзон усулда фойдаланишни рағбатлантириш;

➤ электрон усулда амалга оширадиган битимларни қонуний тан олиш;

➤ истеъмолчиларни қаллоблиқдан, алданиб қолишдан ҳимоя қилиш;

➤ истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

➤ компьютер тармоқларига руҳсатсиз бузиб кириш, хоккерликдан қонуний ҳимояни яратиш;

➤ интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш.

Юқоридаги вазифаларни бажариш электрон тижорат бозори қатнашчиларнинг бу соҳага бўлган ишончини ва рағбатини ортиради.

Ҳар бир давлат электрон савдоларнинг ва электрон тўловларнинг ҳажмини аниқ билиб бориши зарур. Чунки бу масалалар давлатнинг пул-кредит сиёсати ёки монетар сиёсатни олиб боришда етарлича таъсир қиладиган омиллар ҳисобланади. Афсуски, кўпгина давлатлар электрон савдолар ҳажми ва электрон тўловлар ҳажми ҳақида аниқ статистика олиб бормайдилар. Ҳозирча бу давлатларда ушбу соҳани амалга оширишнинг имкони йўқ. Лекин электрон тўловлар ва пул ўтказмалари ҳақидаги маълумот аниқ бўлиши керак. Сабаби бу статистика давлатнинг пул-кредит сиёсати, солиқ сиёсати ва божхона сиёсатини олиб боришда аниқлик киритади. Яна шу билан қаторда, мамлакатда пул ҳаракатини кузатиш имкони беради ва иқтисодиётда шаффофликни ортиради.

Мухтасар айтганда, келгусида ахборот-коммуникация тизимини яъни, электрон тижоратни Республика иқтисодий тараққиётининг бош йўналишларидан бирига айлантиришда қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

✓ соҳа ривожини учун қулай бўлган иқтисодий ҳамда ҳуқуқий муҳитни давр талабларига мос равишда такомиллаштириш, соҳада мулкий муносабатларни эркинлаштириш ва ахборот-коммуникация хизматлари бозори ривожини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш;

✓ соҳада фаолият кўрсатаётган компаниялар фаолиятини рағбатлантириш механизмини шакллантириш, харидорларни интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятини ошириш, шунингдек, катта, ўрта ва кичик ёшдаги аҳоли қатламлари бирдек Интернет тармоғидан эркин фойдаланиши, бунинг учун эса республиканинг барча ҳудуд ва қишлоқларида интернет тармоғидан кенг фойдаланишда техника, коммуникация ва ресурс таъминотини яхши йўлга қўйиш ҳамда катта ёшдаги аҳоли қатламини компьютер саводхонлиги ва интернетдан эркин фойдаланиш қобилиятини ошириш лозим;

✓ компанияда электрон савдо, электрон тижорат моделларини самарали ташкил этиш, уни техник ҳамда юридик асосларини кенг тарзда оммага етказиш, потенциал иштирокчиларнинг билим, тажриба ва кўникмаларини ошириш;

✓ энг асосийси, соҳанинг республикада таркиб топаётган бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган оқилона бошқарув тизимини яратиш ва бу йўналишда чуқур сифат ўзгаришларини амалга ошириш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. <http://turkistonpress.uz/article/20206>.

2. The Impact of Investment in IT on Economic Performance: Implications for Developing Countries ,Rouben Indjikian , UNCTAD, Geneva, Switzerland, 2-бет.

3. www.uzcard.uz.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонуни. 22.05.15 й.

5. Балабанов И.Т. Электронная коммерция. – СПб: Питер, 2001. 189-214 б.